# МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ

***Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,***
***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси***

**(Боши 1-бетда).**

Шунингдек, асосий эътибор Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг конвенцияларини ратификация қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш, меҳнатга яроқли ўсмирлар, кўп болали аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун иш ўринларини квоталашга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар бир маромда ривожланувчи бандлик хизмати тизими ва унинг инфратузилмасини яратиш, оқилона бандликни шакллантириш, ишсизликни камайтириш, иш билан банд бўлмаган маҳаллий кадрларнинг рақобатбардошлиги, ижтимоий ҳимояси ва экспортини кучайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Хуллас, юртимиз меҳнат бозоридаги аҳволни яхшилаш юзасидан амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг олти ойида аҳоли бандлигини таъминлашга, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган минтақавий дастурларни амалга ошириш даврида 312,8 мингта (шу жумладан, аёллар учун 137 мингта) янги иш ўринлари яратилди. Бу режалаштирилган иш ўринларига нисбатан 122 фоизни (шу жумладан, аёллар учун 125 фоизни) ташкил этади. Меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб борилиши 2005 йилга нисбатан таққосланганида аҳоли бандлигининг 2,8 фоизга ўсишга эришилгани кузатилади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, республикада бўш иш ўринлари сони 2006 йил 1 июл ҳолатига 31 мингтани ташкил этади. Шундан 50 фоизи давлат корхоналари ва ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади.

Меҳнат бозоридаги аҳвол ва унинг муаммолари ҳар доим жамоатчилик диққат-марказида бўлиб келмоқда. Афсуски, Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратиш суръати ҳозирча меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръатидан ортда қолмоқда. Шу билан бир қаторда, янги иш ўринларининг 65-70 фоизи ўзини ўзи иш билан таъминлаган аҳоли ҳисобига яратилмоқда. Янги ёки ишлаб турган корхоналарни таъмирлаб ишга тушириш ҳисобига 15-17 фоиз барқарор иш ўринлари барпо этилаяпти, холос. 2005 йилда рўйхатга олинган ишсизлик кўрсаткичи 3 фоизга етди. Бугунги кунда 320,2 минг киши ишга жойлашишга муҳтож.

2005 йилнинг ўзига хос хусусияти қишлоқ жойларида рўйхатга олинган ишсизликнинг ўсишида ифодаланади, чунки бу даврда кўплаб ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши агросаноат мажмуасида ишсизлар сонининг ортишига асосий сабаб бўлди.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида айрим корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши натижасида хўжалик субъектлари қисқартирилган иш кунини ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш амалиётини қўллашга мажбур бўлди ва бу ўз навбатида расмий бандликнинг ўсишига олиб келди. Бу ҳолатни яширин ишсизлик индикатори сифатида таснифлаш мумкин. Ушбу тоифага корхонанинг мажбурий тўхтаб қолиши туфайли иш билан таъминланмаган ҳамда тариф ставкасининг учдан икки қисмини оладиган ходимларни киритиш мумкин. Таассуфки, ҳозирги вақтда расмий бандликни ишсизлик ҳисобига ўтказиш услуби мавжуд эмаслиги сабабли республикада ишсизликнинг аниқ даражасини белгилашнинг иложи йўқ.

Иқтисодиётнинг норасмий тармоғида кенг тарқалган яширин бандликнинг мавжудлиги боис республикада иш билан банд бўлмаган аҳолини аниқ ҳисобга олишга имкон бўлмайди. Бугунги кунда бу тармоқда рўйхатдан ўтмай, тегишли рухсатнома олмасдан ҳамда солиқларни тўламасдан тадбиркорликнинг турли шакллари, шунингдек, бошқача фаолият турлари билан банд бўлган аҳоли салкам 33 фоизни ёки 3,5 миллион кишини ташкил этади. Улар қаторига хусусий юк ташиш, ҳунармандчилик, майда чакана савдо, турар жой ва автомобилларни таъмирлаш, кийим тикиш ва бошқа аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турларини киритиш мумкин.

Иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандлик даражасининг юқорилиги иш ҳақи стандартларини пасайтиради, ходимларнинг ижтимоий муҳтожлигини оширади, иқтисодиёт негизларига путур етказади. Бундай тенденциянинг кучайиши касаба уюшмалари ижтимоий базасининг бўлинишига олиб келиши мумкин. Бинобарин, касаба уюшмалари, ҳокимият бошқарув органлари ва иш берувчиларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари норасмий секторни ижтимоий демпинг ҳудудидан олиб чиқишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Бандлик муаммолари ҳақида гапирганда ишсизлар орасида хотин-қизлар салмоғи 60-65 фоизни ташкил этишини эътироф этиш лозим. Шу билан бир қаторда уларнинг ўртача иш ахтариш давомийлиги эркакларга нисбатан юқори бўлиб, бир йилдан кўпроқни ташкил этади. Фуқароларнинг меҳнат қилишда тенг ҳуқуқли эканлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилганига қарамай, амалиётда ишга қабул қилишда жинси, ёши ва оилавий аҳволига қараб бевосита ёки билвосита камситиш, шошилинч меҳнат шартномаларидан асоссиз фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтарилишида сунъий тўсиқлар қўйиш, шунингдек, зарарли меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишларда улардан фойдаланишга доир мисоллар ҳам мавжуд.

Қонун билан бир қатор имтиёзлар белгиланганига қарамасдан, айниқса, ёш болаларини тарбиялаётган аёллар меҳнат бозорида кўпинча рақобатга дош бера олмаяпти. Уларнинг болаларни парваришлаш фаолиятини рағбатлантириш ҳамда буни расман эътироф этиш кўп болали аёллар ўртасида ишсизликни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин. Бунинг учун бугунги кунда ишсизлик бўйича нафақага йўналтирилган бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларини ижтимоий суғурта жамғармасига қайта тақсимлаш ҳамда уларни тегишли ижтимоий тўлов тарзида аёлларга бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар учун ихтисослаштирилган иш ўринлари барпо этиш, бунинг учун тўлиқ бўлмаган бандлик ва касаначилик имкониятларидан фойдаланиш масалаларини фаол ишлаб чиқмоқда. Улар ХМТнинг Марказий Осиёда иш жойларида хотин-қизларни камситишни бартараф этиш бўйича минтақавий лойиҳаси доирасидаги кенгашлар - маслаҳат семинарларида фаол иштирок этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилиш ХМТнинг XX асрдаги тўртта стратегик вазифаларидан биридир. Яқинда Федерация кенгашида ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича субрегионал бюроси ижрочи директори жаноб Вернер К.Бленк билан бўлиб ўтган учрашувда трипартизм доирасида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Устувор йўналишлар, Ўзбекистонда муносиб меҳнат миллий дастурини ишлаб чиқиш юзасидан ҳамкорликдаги фаолият режалари белгиланди. Бу дастур ХМТ ва шериклар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги аҳдлашувда янги қадам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий шериклигини кенгайтиришда Ўзбекистон Президенти томонидан республиканинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар бевосита кўмаклашиши таъкидлаб ўтилди.

Республика меҳнат бозоридаги аҳволни ўрганиш борасидаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшларни ишга жойлаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ишсизлар таркибидаги 16 дан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг улуши 53-56 фоизни ташкил этади. Рўйхатга олинган ҳар бешта ишсиздан биттаси умумтаълим мактабининг битирувчиси, 65-70 фоизи қишлоқ аҳолисидир. Ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини ёшларнинг меҳнат биржаларини ташкил этиш ва даромад келтирадиган ишлар тармоғини кенгайтириш орқали ҳал этиш мумкин.

Маълумки, ўсмир ва ёшларнинг дам олиши ҳамда меҳнат тарбияси учун мўлжалланган меҳнат ва дам олиш лагерлари ишини ташкил этишда ижобий тажриба тўпланган. Шу мақсадда муайян ишларни бажариш юзасидан улар билан шошилинч меҳнат шартномалари тузилади. Чунончи, 1982 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Юность» дам олиш ва меҳнат лагерида ёз мавсумида 400 нафардан зиёд болалар (улардан 120 нафари қизлар) ҳам ишлаб, ҳам ҳордиқ чиқаришади.

Ёз мавсумида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида жойлашган Наманган Давлат университети қошидаги Мамай спорт соғломлаштириш лагери фаолият кўрсатади. Жорий йилда спорт педагогика факультетининг талабалар отряди бино мажмуасини таъмирлаш ишларини бажарди.

Республика олий ўқув юртларининг талаба ёшлари ёз фаслида бир ой мобайнида талабалар отрядлари сафида меҳнат шартномаси асосида ишлаш имкониятига эга бўлишади. 2006 йилда республикада минг нафардан зиёд талабаларни қамраб олган 25 тадан ортиқ талаба отряди ташкил этилди. Иш вақтида улар иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланди.

Ишлаб чиқаришнинг зарарли ҳудудларида болалар меҳнатидан фойдаланиш Ўзбекистон касаба уюшмалари учун ташвишли ҳолдир. Масалан, тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарида, юк автомобилларини таъмирлаш устахоналарида, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида ана шундай ҳолатлар учрайди. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларда асосий узайтирилган таътиллар берилмайди, бериладиган таътилларни ҳисобга олиш тартиби бузилади, қисқартирилган иш вақти белгиланмаган, дастлабки ва даврий тиббий кўриклар ўтказилмайди, ўсмирларни дам олиш кунларида ҳам ишга жалб этиш ҳолларига йўл қўйилади. Кичик бизнес тармоғида эса кўпинча ўсмирлар меҳнат шартномасисиз ишга жалб этилмоқда.

2006 йилда республика касаба уюшмалари болалар меҳнати мониторингини ўтказди. Унда болалар меҳнатидан фойдаланиш фактларини аниқлашга, ушбу тоифадаги ишловчиларга нисбатан қўлланилаётган ижтимоий ҳимоя чораларига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва жароҳатланишлар масаласига, шунингдек, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш чораларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра 7028 киши шартнома асосида ишга қабул қилинган. Вақтинча ишловчилар ёки мавсумий ишга қабул қилинганлар сони 7528 нафардан ошмаган.

Касаба уюшмалари қўмиталари иш берувчилар томонидан ишловчи ўсмирларга нисбатан меҳнат қонуни меъёрларига амал қилиниши устидан қатъий назорат олиб бормоқда. 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида ўқиётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти ва бошқа меҳнат шароитлари соҳасида қўшимча имтиёзларнинг жамоа шартномалари ва битимларига киритилишига, ёшларга иш ўринлари яратаётган корхоналарга имтиёзлар берилишига эришилмоқда. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар ўртасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳатланиш ҳолати қайд этилмаган.

ХМТнинг «Болалар меҳнатининг зарарли турларини таъқиқлаш ва дарҳол бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-Конвенцияси 1-моддаси «д» бандига биноан болалар меҳнатининг зарарли турларига барҳам бериш борасидаги ишларни ривожлантириш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги касаба уюшмалари билан келишган ҳолда 18 ёшдан кичик бўлган шахслар меҳнатининг қўлланилиши таъқиқланадиган зарарли меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишларнинг рўйхатини тасдиқлади.

Касаба уюшмалари иш берувчилардан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир маҳаллий хужжатларни касаба уюшма қўмиталари билан мажбурий келишиб олишни талаб қилмоқда. Бунда айниқса, 18 ёшга тўлмаган шахслар учун пасайтирилган иш меъёрларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Юқорида қайд этилган конвенцияни ратификация қилиш мақсадида бу соҳадаги меъёрий ҳуқуқий база янада такомиллаштирилиши зарур.

Болалар меҳнатидан фойдаланиш муаммоларини самарали ҳал этиш учун ҳукумат кўмагида жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Жамиятда болалар меҳнатининг зарарли турларига нисбатан муросасизлик муҳити қарор топтирилмоғи керак.

Республикада бандлик муаммосини ҳал этишда меҳнат миграциясининг роли тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонда очиқ шаклдаги меҳнат миграцияси ҳозирча кенг кўламда қамраб олинмаган. Ишлаш учун республика ташқарисига чиқиб кетаётган шахслар сони 262,6 минг нафарни ташкил этади.

Айниқса, яширин меҳнат мигарацияси жиддий ташвиш уйғотади. Ана шундай йўл билан қўшни давлатларга иш излаб чиқиб кетаётган фуқаролар талайгина. Мамлакат ичкарисида ҳам, чет элда ҳам ишга жойлаштириш борасида хизмат кўрсатиш устидан давлат монополияси ўрнатилгани ҳам ноқонуний меҳнат миграциясининг ўсишига олиб келмоқда.

Республикадан ташқарига ишлаш мақсадида кетаётган фуқароларнинг ҳозирги мақоми амалда уларга ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиш имконини бермайди. Меҳнат миграцияси тўғрисида қонун қабул қилиш, масалан, МДҲ доирасида умумий меҳнат бозорини барпо этиш ноқонуний миграция даражасини пасайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ошкора иш учун иш берувчи ва муҳожирдан ундириладиган давлат божлари миқдори қайта кўрилиши ҳамда зарур касбларни эгаллаган муҳожирлар ёлланма меҳнатининг дастлабки муҳлатларини узайтириш ҳақидаги масала кўриб чиқилиши лозим.

Чет элдаги фуқароларимизнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатлари мажмуаси Ўзбекистон фуқароларининг хориждаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Низом билан белгилаб берилган. Меҳнат миграцияси жараёнлари устидан назорат қилиш, фуқароларнинг мамлакат ташқарисида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш меҳнат ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Агентлик зиммасига юкланган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус шаҳарларида, кейинчалик Бухорода фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро ташкил этиш режалаштирилган эди. Ҳозирги пайтда бундай бюролар фақат Тошкент, Нукус ва Бухорода ишлаб турибди, холос. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш эса юқорида айтилган Агентлик зиммасига топширилган.

Адолат юзасидан тан олиб айтганда, касаба уюшмалари меҳнат миграцияси масалаларини ҳал этишда ҳали ўзининг муносиб ўрнини топгани йўқ. Давлатимизнинг миграция сиёсатини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, меҳнат қилувчи муҳожирларни касаба уюшмаларига жалб этиш орқали ижобий натижага эришиш мумкин. Турли давлатлар тармоқ касаба уюшмаларининг меҳнат қилувчи муҳожирларга жамоа шартномаларини қўллаш орқали муҳожирларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорлигини чуқурлаштиришда катта имкониятлар мавжуд. Меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлашда уларнинг ҳуқуқини камситиш ва бузиш ҳолатларига барҳам бериш, яширин муҳожирларни ишга ёллаш фактлари очиб ташланиши лозим. Қонуний асосда ишга жалб этилган муҳожирларга уларни қабул қилган давлат фуқароларига яратилгани каби қулай ижтимоий, меҳнат шарт-шароитлари яратиб бериш керак. Ишдан маҳрум бўлганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини янада эркинлаштириш, қўшни давлатларда ишсизларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш учун ўзимизнинг миллий агентликларни ташкил этиш борасидаги ишларни фаол олиб бориш зарур.

Сўнгги ўн йилликда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар республикада аҳоли бандлиги муаммосини бирмунча кескинлаштирди. Гап шундаки, амалдаги қонунчиликда республика меҳнат бозори муаммолари, фуқароларнинг хорижда ишлаш истаклари, меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар ҳамда глобаллашув шароитида бандликни тартибга солиш борасидаги халқаро тажриба, шу жумладан, МДҲ ва Евроосиё ИҲ давлатларининг тажрибаси етарли даражада ҳисобга олинмаган.

Бугунги кунда аҳоли бандлигига кўмаклашишда давлат кафолатларини аниқлаштириш, бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш устидан жамоат назорати соҳасида касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини назарда тутиш, аҳоли бандлигига кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи қўмиталарнинг мақомини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, мажбурий меҳнатни таъқиқлаш механизмларини ҳаракатга келтириш, иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликка бўлган ҳуқуқларининг тўла рўёбга чиқарилиши, малака ошириш масалаларига эътиборни кучайтириш, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш, мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам ишга жойлаштириш бўйича хизматлар соҳасини монополиядан чиқариш керак. Меҳнат қилувчи муҳожирларга тегишли бўлган халқаро ҳужжатларни, шу жумладан, БМТнинг барча ишловчи муҳожирлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциясини, ХМТнинг 97-сонли «Ишловчи муҳожирлар ҳақида»ги (1949 й.), «Миграция соҳасидаги суиистеъмолликлар ва ишловчи муҳожирларга имкониятлар ва мурожаатлар тенглигини таъминлаш тўғрисида»ги (1975 й.) конвенциясини ратификация қилиш ўта муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон КУФК томонидан глобаллашув шароитида бандликни тартибга солиш борасида тўпланган халқаро тажрибани, шу жумладан, МДҲ мамлакатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерециясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамияти барпо этиш шароитидаги ҳаракат Дастурида белгиланганидек, касаба уюшмалари фуқароларнинг меҳнатга, эркин иш танлаш ва унумли машғулотга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш учун шароит яратишда давлат органларига кўмаклашади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дастурнинг ушбу бўлимини амалга ошириш билан бир қаторда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида биргаликда ишлаш, доимо маслаҳатлашиш, меҳнат бозори ҳақида ахборот айирбошлаш тўғрисида қўшма тадбирлар ишлаб чиқди. Федерация кенгаши республика Олий Мажлиси билан бирга ишчи кучи зич жойлашган Фарғона водийси вилоятлари ва Хоразм вилоятида иш берувчилар томонидан Меҳнат кодексига амал қилиниши юзасидан мониторинг ўтказди. Тармоқ касаба уюшма органлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказмоқда.

2006 йилнинг 30 июнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтиомий ҳимоя қилиш вазирлиги 2006-2010 йиллар учун ҳамкорликда режавий тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди. Режавий тадбирлар қаторига ХМТнинг 81, 87, 138, 182, 144-конвенцияларини ратификация қилиш ва йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришга эътиборни қаратиш киритилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида республика ҳамда маҳаллий миқёсда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштирув қўмиталарининг ташкил этилиши муҳим қадам бўлди.

Мувофиқлаштирувчи қўмиталарга меҳнат ресурсларининг прогноз балансларни тасдиқлаш ҳуқуқини берган ҳолда уларнинг қуйидан юқорига самарали ишлашини таъминлаш зарур.

Шунингдек, ушбу қўмитага кирган ташкилотларнинг вакиллари бандликка кўмаклашиш жамғармасининг бошқарув органларига ҳам киритилиши лозим.

Янги иш ўринлари яратишда, бандлик муаммоларини ҳал этишда йирик ишлаб чиқариш ва касаначилик ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш катта афзалликларга эга. Бу соҳада биз учун истиқболда улкан имкониятлар мавжуд. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси бу масалани ҳал қилишда туртки бўлди. Жумладан, маърузада йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотадиган тузилмаларни яратиш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги Фармонини амалга ошириш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорида республика ҳукумати томонидан, хусусан, қишлоқ жойларида иш билан банд бўлмаган аҳолини касаначилик асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга жалб этиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳайъати таркибидаги тармоқ касаба уюшмаларини мазкур ҳукумат ҳужжатини амалга ошириш учун кўмаклашишга йўналтирувчи тегишли қарор қабул қилди. Қуйидаги фактнинг ўзиёқ ушбу ҳужжат ўз вақтида қабул қилинганидан ҳамда юксак қийматга эгалигидан далолат беради. Меҳнат вазирлигининг маълумотига кўра 2006 йилнинг олти ойида касаначиликнинг турли шаклларини, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар касаначилик соҳасида 78 мингта иш ўринлари яратиш имконини берди. Бу республика бўйича иш ўринлари умумий сонининг 25 фоизини ташкил қилади. Касаначилик билан шуғулланаётган ходимларга корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари тадбиқ этилмоқда.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларида аҳоли даромадларини ошириш имконини яратди. Ушбу қарор қорамол боқиш билан шуғулланадиган шахсларни иш билан банд аҳоли тоифасига киритиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларини қамраб олди. Юқорида келтириб ўтилган ҳар икки қарор ҳам ўз моҳиятига кўра касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида устувор йўналиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, меҳнат бозорида ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида вужудга келган аҳвол ҳукуматдан, касаба уюшмалари ва иш берувчилардан мавжуд муаммоларни ҳал этиш, миграция сиёсати, болалар меҳнатидан фойдаланиш, ёшларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларни ишга жойлаштириш, касаначиликни ривожлантириш соҳаларида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан аниқ, тезкор ва таъсирчан чора-тадбирлар кўрилишини тақозо қилади. Бу борада жаҳон ҳамжамиятида ва мамлакатимизда кейинги 15 йилда тўпланган тажрибадан фойдаланиш муҳимдир. Кенг кўламли ва миқёсли муаммоларни бирданига ҳал қилиш қийин, албатта. Бунинг учун аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда узоқ вақт иш олиб бориш талаб этилади. Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, касаба уюшмаларининг ҳокимият органлари ва иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигининг кенгайтирилиши бу борада муваффақиятлар омили бўлади. Ушбу йўналишда ижобий силжишларга эришилаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Хулоса ўрнида айтганда, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда халқимизга муносиб турмуш тарзини яратишда иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш масалаларига давлатимиз раҳбари, ҳокимият бошқарув органлари, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари, айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари томонидан ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.



# Тўймай боқдим: чор-атроф чаман, Қаршиликлар, яшанг, чарчаманг!

(Боши 1-бетда)

«Муборакнефтгаз» унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртангаз» унитар корхонаси, мустақиллик йиллари қурилиб ишга туширилган «Шўртангазкимё» мажмуаси, Талимаржон иссиқлик электр станцияси вилоят саноатининг етакчилари ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатимизда балки бутун Марказий Осиёда энг йирик корхоналар сирасига киради.

Қашқадарё Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган газнинг 96 фоизини, нефт ва газ конденсатининг 98 фоизини беради. Республикада ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотларнинг 12,6 фоизини Қашқадарёнинг улуши ташкил этади. 2006 йилнинг ўтган даврида 88 та саноат корхонаси янгидан ташкил этилди. Жумладан, 8 турдаги янги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хориж сармояси ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 24 та саноат корхонаси 4,9 миллион АҚШ доллари миқдорида замонавий технология асосида жиҳозланди.

Қарши шаҳрида ҳам саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизга ўсди.

## ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

Қашқадарё Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида капитал қурилиш жадал давом эттирилган вилоятларидан биридир. Бу йилларда воҳада йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. «Шўртангазкимё» мажмуаси ва Таллимаржон ИЭСининг биринчи навбати қурилиши ғоятда аҳамиятлидир. Вилоятни қўшни Сурхондарё билан боғлайдиган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг «Тошгузар — Деҳқонобод» қисми қурилиб фойдаланишга топширилди. Нефт-газ конлари ва уларни қайта ишлаш корхоналарида янги қувватлар, Шўртан, Кўкдумалоқ конларида газ-компрессор станциялари ишга туширилди. Қатор енгил саноат корхоналари янгидан барпо этилди, баъзи корхоналар қайта жиҳозланди. «Каштекс», «Оқсарой тўқимачи ЛТД», «Яккабоғтекс» каби корхоналар янгидан қурилган бўлса, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси қўшма корхона сифатида қайта ташкил этилди.

Қурилишга хорижий сармояларни жалб этиш жадаллашди. Шу йилнинг ўтган 9 ойида 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестицияси вилоят иқтисодиётига киритилди. Инвестиция дастурига мувофиқ 2005 — 2006 йилларда 47 та мактаб янгидан қурилди, 52 таси капитал реконструкция қилинди. 87 таси капитал таъмирланди. 14 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди. 10 таси реконструкция қилинди. 24 та қишлоқ врачлик пункти, 667,3 километр газ, 539,2 километр ичимлик сув қувурлари фойдаланишга топширилди.

Қарши шаҳрида ҳам 49 миллион 705 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, бу 154,3 фоизни ташкил этади.

**...Соҳибқирон Амир Темурнинг бу шаҳарга ихлоси зўр бўлган. Мўғуллар билан юрт озодлиги учун ҳаёт-мамот кураши олиб бораётган Амир Темур болаликдан бу шаҳарни яхши биларди. Шайх Шамсиддин Кулол ҳузуридаги сабоқлар, Қарши ҳокими — амакиси Амир Жокуй суҳбатлари унда Қаршига катта муҳаббат уйғотган эди. Қарши буюк Соҳибқироннинг сиёсий матлаби амалга ошишида ҳал қилувчи аҳамиятга молик ҳисобланган. Ёғийлар қўлидан қутқарилган биринчи шаҳар ҳам Қарши эди.**

Поён Равшановнинг «Буюклар излари нурланиб турган шаҳар» мақоласидан.

## МУЛКДОР БЎЛМОҚ БАХТИ

Мустақиллик йилларида чуқур таркибий ўзгаришлар юз берган ҳамда мулкчилик муносабатлари тубдан ўзгарган тармоқлардан бири қишлоқ хўжалигидир.

Бугунга келиб вилоятда 26 минг 584 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Фермерларга 191 муқобил МТП, 166 та ёнилғи-мойлаш, 131 ўғит сотиш шаҳобчаси, 134 мини банк, 24 та зооветеринария хизмати, 23 та ахборот-консалтинг маркази, 49 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш шаҳобчаси хизмат қилмоқда.

2005 йилда вилоят бўйича қишлоқ хўжалигидан 76 миллиард сўм соф фойда олинди. 2006 йилда соҳада 100 миллиард сўмга яқин соф фойда олиш кутилмоқда. Ўз маҳсулотининг пировард натижаларидан манфаатдор бўлиш, маҳсулот етиштирувчи деҳқон билан буюртмачи ўртасида муносабатларнинг бозор тамойиллари асосида шартномага мувофиқ қурилиши ижобий самара берди. Ҳозирги вақтда фермер хўжаликларида пахта хомашёсининг 97,8 фоизи, доннинг 98,6 фоизи етиштириляпти.

Ҳа, 700 минг тонна ғалла, 435 минг тонна пахта хирмонларини бунёд этган ким? Бу ерга меҳр қўйган миришкор деҳқон.

## ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ МАВРИДИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан бирга нишонлаяпмиз. Амир Темурни теранроқ англаш учун Юртбошимизнинг ушбу сўзларини унутмаслигимиз керак: *«Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.*

*Амир Темурни англаш — ўзлигини англаш демакдир.*

*Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърида чуқур илдиз отган томиримизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».*

Дарвоқе, Шўро даврида қамоқхонага айлантирилган ва ҳозирда қайта тикланган Одина масчитида «Ўзлигини англаш маркази» ташкил этилди. Бу ерда Қарши шаҳри тарихига оид юзлаб осори-атиқалар қўйилган доимий ишловчи кўргазма ташкил қилинди.

## ШОИР ДЕЙДИ-КИ...

Шоир Абдулла Орипов шундай дейди: «Ўтган мафкуранинг омонсизлиги-ю, ваҳшийлиги, жаҳолатини исботлаш учун биргина Одина масчитининг тақдири кифоя қилади, деб ўйлайман. Уларнинг қилмишлари бир муштипар онанинг сочларини кесиб, қўлларини нимталаб, кўзларини ўйиб, юзига тиғ тортгандек гап-ку. Қушни ов қилганлар ошёнини ҳам бузганлар...

Ўтган тузумнинг айби-ку аён. Аммо, инсон боласи ҳеч қачон ўзини айбдор ҳисобламаслиги ғалати мантиқсиз мантиқдир. Наҳотки, қадр топмоқ учун вайрон бўлиш шарт бўлса?!.».

Жуда ўйлантирадиган, узоқ ўйлантирадиган гаплар.

## ТЕРГОВЧИ НИМА ДЕЙДИ

Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси Сафар Каттабоев шундай дейди: «Хизмат тақозоси билан 5-сонли тергов ҳибсхонасида кўп марта бўлганман. Одатда терговчилар кўпроқ тергов хонасида бўлишади. Ёзма талабномага кўра, маҳбусларни соқчилар тергов хоналарига олиб келишади. Сўроқ тугагач, терговчи яна соқчини чақиртиради, у маҳбусни сақланадиган хонасига олиб кетади.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаганимда, маҳбуслар ётадиган камераларга кириш, уларнинг сақланиш аҳволи, тергов ва суд органлари ёки ҳибсхона маъмурияти устидан шикояти бор-йўқлигини текшириш ваколати менга берилган эди. Шунинг учун, бу тергов ҳибсхонасидаги 51 та камеранинг ҳаммасига бирма-бир кириб чиққанман. Камераларга кирганимда унинг шифти гумбазсимон эканлиги, хоналарнинг деворлари ниҳоятда қалинлигини сезганман.

Ҳибсхона маъмуриятидан «Нега ҳибсхона қурилиши бошқача?» деб сўраганимда, улар бу ерда илгари қандайдир масчитми, мадрасами бўлган экан, дейишарди. Номини, қачон қурилганлигини эса ҳеч ким билмас эди.

Ҳибсхонанинг паспортини ўрганганимда, унда XVII — XVIII асрларга мансуб масчит ҳибсхонага мослаштирилганлиги кўрсатилган эди».

Тарихнинг эврилишини қаранг. Бир вақтлар деворларида қуръон оятлари акс садо берган, кейин маҳбуслар нолалари..., бугун ёшларнинг хуш-хандон кулгулари жаранглайди. Бу эркинлик оҳанглари, ҳуррият товуши.

## АФСОНА ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАДИ

Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида кўл бўйида қўлида сув тўла коса ушлаган аёл тасвирланган ҳайкал бор. Бу — Анаҳита.

Анаҳита — зардуштийлик динида ободончилик ва фаровонлик маъбудаси. Қадимий деҳқонлар ёғингарчилик ва ҳосилдорликни унинг мўъжизаси деб ҳисоблашган. Қадимги ҳайкалтарошлар Анаҳитани бир қўлида анор ёки олма ушлаб турган аёл шаклида тасвирлаганлар.

Боғдаги Анаҳита ҳайкалида унинг косасидан оқиб тушаётган оби-ҳаёт гулу гулзорларни яшнатмоқда.



Яратилганлигига 3 минг йил бўлган энг мўътабар ва қадимги «Авесто» китобида Анаҳита гўзал тасвирланган. Жумладан, шундай сатрлар бор:

***Ардвистура Анаҳита***
***Оқиб борди унга томон***
***Бир парирўй тимсолида***
***Сарвиқомат ва шамшодваш***
***Камарбаста ва шоиста,***
***Бошмоқлари тўпиққача ярқираган,***
***Тиллодандир шокиласи...***

***Шавқатпеша Ардвистура Анаҳита***
***Гарданига чирмашгандир***
***Гўзал шода.***
***У қоматин таранг тутар***
***Бўртиб чиқсин учун сўлим сийналари***
***Ва одамлар нигоҳини қаратмоқда***
***Ўзи томон.***

Билмадим, қай бир меҳмоннинг нигоҳи тушди ё тушмади, ажиб нафис манзара. Боғнинг бу бетакрор соф ва беғубор чиройига термуларканман, ҳаётга муҳаббатинг ошади, яшагинг, яшагинг келаверади.

## ЖОНЛАНТИРИЛГАН ТАРИХ

Боғда мўъжазгина лойшувоқ уйлар, ўтов, ҳақиқий уй ҳайвонлари — туя, эшаклар ҳам бор. Тандир, ўчоқ. Қадимий қишлоқлар манзараси. Она-бола туялар тинмай кавшанади, эшаклар ҳанграб қўяди.

Истиқлолдан илгари бу ерда мисдан ясалган чўккан туялар ҳайкали бўларди. «Қачон келур кўзғалур они» дея шеър ҳам битганман. Хаёлимда ўшалар жонланиб, туриб кетгандай.

## БАХТ ҚУШИ

Ҳайкал дегинг келмайди. Ҳу, анув ерда оҳулар эркин. Бири ўтлаяпти, бири ҳуркиб атрофга сергак боқади. Мана бу, инсон қўли билан яратилган қояда Ҳумо қуши ҳайкали. Қанот қоқаяпти. Шундай жонлики, бу ҳайкал ё афсонавий қуш эмасдек туюлади. Айрим ватандошларимиз хорижий шаҳарлар ҳақида оғзидан бол томиб сўзлашади. Бугун улар Қарши шаҳрини келиб кўришсин, қани қаери кам экан? Ортиқ, чиройда, интилишда, келажаги кулганликда зиёда, зиёда... Бахт қуши қаршиликлар бошида.

## ЯНА БАҒРИНГГА ҚАЙТАМАН ҲАЛИ

Истиқлолдан сўнг кўплаб турли миллат вакиллари ўзларининг бобо юртларига қайтишди. Аммо, Қаршини ҳамон соғинишади...

Россиянинг Асбест шаҳрида яшаётган Екатерина Қарши шаҳрига келиб, кетгиси келмай қолди.

Ноилож поездга чиқди.

Яна шоҳбекат, яна поездлар шовқини, ғилдираклар тақ-туқи. Яқин кишилари кўз ёши аро жилмайишади, қўл силкиб қолишади. Мана, севимли шаҳар, болалик гўшаси йироқда қоляпти. Айрилиқ юракни жизиллатади.

«Нима бўлса бўлсин, барибир бағрингга қайтаман, жонажон шаҳрим. Мен сени ҳеч қачон унутмайман!».

## ШОИР БЎЛИБ КЕТАСАН...

Қарши шаҳри, айниқса, тунда ажиб сеҳрли тус олади. Прожекторлар нури тун бағрини тилиб, юлдузларга интилади. Юлдузларга узатилган қўл, дейман ичимда.

Марказий майдон олдидаги қатор фавворалар улкан арчаларни эслатади, кумуш арчалар, нафис куй таратувчи арчалар...

Ёшгина, эндигина ўтқазилган яшил арчаларда митти электр чироқлари милтирайди. Юрагимда шеър туғилади.

***Бугун тунлар эмас зим-зиё,***
***Дов-дарахтлар гуллабди гўё.***
***Тўймай боқдим: чор-атроф чаман,***
***Қаршиликлар, яшанг, чарчаманг!***

Севимли шоиримиз айтганидек,

***Тарихинг битмакка, халқим,***
***Мингта Фирдавсий керак.***

Ёзгинг келаверади. Фирдавсий бўлиб кетасан...

**Довуд МАҲДИЙ,**
**«Ишонч» мухбири**

**ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб «Диний бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқот» шиори остида илмий-амалий конференция ўтказилди...**

**Ўзбек олимларидан профессор Ашраф Аҳмедов Хоразмнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги тарихи, профессор Рустам Сулаймонов эса Қарши шаҳрининг Ўрта Осиё маданиятида тутган ўрни ҳақида маъруза қилдилар.**

Матбуот хабаридан.

---

*Етакчи минбари*

# ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

## қатъий назоратга олинган

***Инсон табиат мўъжизаларидан баҳра олмоғи учун даставвал соғлом ва бақувват бўлмоғи лозим. Фарзандлари соғлом юрт эса қудратли бўлади.***

Тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят Кенгаши тизимига кирувчи бирлашма, ташкилот, хўжаликларда меҳнат муҳофазаси билан бир қаторда ҳар бир фуқаро саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли юмушлар режалаштирилган. Жумладан, кам таъминланган, кўп болали оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини биринчи галда белгиланган дори-дармонлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган бўлиб, бундай имтиёзларга эга кишиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш услублари махсус йўналишлар бўйича олиб борилмоқда.

Мўътабар аёлларимиз деярли барча соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар меҳнати учун қонуний белгиланган қатор енгилликлар борки, улардан тўлақонли фойдаланиш нафақат ўзлари, балки келажагимиз ворислари бўлмиш фарзандларимиз баркамоллиги учун ҳам қўл келади. Шуни назарда тутиб, ишловчиларнинг фарзандларини ёзги оромгоҳларда дам олдириш, иш ҳақларини вақтида бериш, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болали аёлларга икки минимал иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш, кўп йиллик меҳнатлари учун 30 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш, зарарли ишда ишловчиларга сут ёки бошқа маҳсулотлар бериб бориш каби вазифаларнинг аниқ бажарилиши қатъий назоратга олинган.

Кенгашга қарашли ташкилот, корхона, фермер хўжаликларининг кам таъминланган ва кўп болали оилаларига, қарияларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда байналмилал жангчиларга 4.595,5 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Узлуксиз саъй-ҳаракатлар туфайли барча идораларда иш ҳақидан қарздорликлар кескин камайтирилишига эришилди.

**Шариф ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Навоий вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси**

---



*Паспорт билан шуғулланиш, уни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ана шундай фахрга молик ҳужжатни авайлаб-асраш ва ундан фойдаланиш тартиб-қоидаларига амал қилишни назорат этиш борасида Чироқчи тумани ИИБ паспорт бўлинмаси ходимлари кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Бунда айниқса, «Паспорт тартиботи», «Спитамен» каби профилактик тадбирларнинг ўтказилиши яхши натижа бераётир. Ушбу тадбирлар билан ҳамоҳанг тарзда ўтган давр мобайнида 7218 нафар фуқарога паспортлар берилди. Шундан 4569 нафари 16 ёшга тўлган фуқаролардир. Шу кунларда бўлинма ходимлари ҳудудда яшовчи фуқаролар ўртасида паспорт қоидаларига риоя этиш бўйича ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бормоқда.*

**Суратда: туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант Азамат Норқулов, бўлим инспектори сержант Абдумўмин Ҳайдаров ҳамда ходим Отабек Шерғозиевлар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

---

# «ЯНГИ ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

Бундан бир неча йил аввал «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» чоп этилган эди. Ўтган даврда ўзбек тили таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Шу боис ҳозирги кун талабига жавоб берадиган мукаммал изоҳли луғат яратиш зарурати туғилди.

Республика ҳукуматининг қарори билан навбатдаги янги луғатни тузиш тадбирлари кўрилди ҳамда бу хайрли иш Давлат дастурига киритилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари эса ушбу хайрли ишни ўз зиммаларига олдилар.

Беш жилддан иборат янги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ни тузишда икки жилдли луғат материалларидан унумли, аммо танқидий нуқтаи назардан фойдаланилди.

Зеро, янги луғат ўзбек ва жаҳон луғатчилигининг ижобий ютуқлари, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда рўй берган туб ўзгаришлар ҳамда ўзбек тили лексикасида содир бўлган янгиликлар асосида юзага келмоқда.

Янги луғат 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олади. Фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига доир терминлар, бир неча шевада қўлланиладиган сўзлар, баъзи тарихий ва эскирган иборалар ҳам унда ўз ифодасини топади.

Бундай жиддий ва мураккаб илмий жараённинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди. Бинобарин, А ҳарфидан Ҳ ҳарфигача бўлган луғат мақолаларини қамраб олган дастлабки вариант тузиб бўлинди.

Луғатнинг биринчи ва иккинчи жилдлари тўлалигича босмага берилди. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти эса уни мухлисларга тақдим этди.

— Луғатнинг биринчи нашри 2006-2007 йилларда жорий кирилл алифбосида амалга оширилади, — дейди луғатни чоп этишга масъул ходим А.Мадвалиев. — Унинг иккинчи нашрини эса 2007-2010 йилларда лотин графикаси асосида тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

---

# ҲАМ ТАДБИРКОРГА, ҲАМ ҲАЙДОВЧИГА ҚУЛАЙ

Автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида 2006 йилнинг 28 феврал куни «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва шу йилнинг 9 март куни «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Президент қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарор нафақат йўловчиларнинг манфаатлари учун хизмат қилади, балки аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тури билан шуғулланаётган тадбиркорларга ҳам қулайлик яратди. Қарорлар қабул қилингунга қадар йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг қуйидаги эътирозлари бор эди:

— аҳоли ташиш билан шуғулланувчи тадбиркор ҳафтанинг уч кунида шуғулланишини, қолган кунлари шуғулланишга имконияти йўқлигини маълум қилиб, ойлик солиқ ва тўловларни камайтиришни сўрар эди. Лекин бу тартиб белгиланган қонун ҳужжатларида йўқлиги сабабли тадбиркордан ойлик солиқ ва тўловлар тўлиқ ундирилар эди;

— шунингдек, тадбиркор рўйхатдан ўтгач, ушбу фаолияти билан битта автомашинада акаси, укаси ёки яқин кишиси билан кун ора алмашиб ишлашини сўрар эди, лекин қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ким рўйхатдан ўтган бўлса, яъни лицензия олган бўлса, ўша шахс фаолият кўрсатиши шарт эди.

Ҳукуматимиз томонидан янги қабул қилинган қарорларга кўра, юқорида кўрсатилган муаммолар тўла ҳал этилди. Демак, тадбиркор фаолият кўрсатиш учун белгиланган тартибда юридик шахсга аъзо бўлади. Энди тадбиркор корхонага кунлик тўловни тўлаб, техник ва тиббий кўрикдан ўтиб фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркор фаолият кўрсатмаган куни учун тўловлар амалга оширилмайди. Шунингдек, корхона билан тузилган шартномага асосан, бошқа сменачи яқинлари билан ҳам алмашиниб фаолият кўрсатиши, корхона томонидан ҳайдовчилар учун тиббий ва техник хизматлар кўрсатилиши ҳам тадбиркор учун қулайдир.

Аммо, юқорида кўрсатилган имкониятларга қарамасдан, лицензиясиз ҳолда ҳамда ўз манфаатини кўзлаб, солиқ ва тўловдан қочиб фаолият кўрсатаётган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди. Олтинкўл тумани Қўштепасарой қишлоғида яшовчи фуқаро Ю.Билолов ўзининг шахсий автомашинасида лицензиясиз йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётгани аниқланган ва ҳуқуқбузарга нисбатан суд томонидан 324000 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилган.

Ўтказилган тадбирларда Шаҳрихон туманида яшовчи О.Холдоров, Олтинкўл туманида яшовчи Ф.Эрматов ҳам лицензиясиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида, ҳудудларда ташкил этилган юридик мақомга эга бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналарга аъзо бўлиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Н.ТЎРАҚУЛОВ,**
**Х.ҚОРАБОЕВ,**
**Олтинкўл туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари**

